

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

БЎРОНОВ АКМАЛ ҚАЛАНДАР ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАДИМИЙ МАҲАЛЛИЙ БУҒДОЙ
НАВЛАРИНИНГ ГЛИАДИН ОҚСИЛИ ПОЛИМОРФИЗМИ ВА
ИРСИЙЛАНИШИ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бўронов Акмал Қаландар ўғли

Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий буғдой навларининг глиадин
оксили полиморфизми ва ирсийланиши..... 5

Бўронов Акмал Қаландар ўғли

Полиморфизм и наследование глиадиновых белков у стародавних
местных сортов пшеницы Узбекистана..... 21

Bo'ronov Akmal Kalandar o'g'li

Polymorphism and inheritance of gliadin proteins in wheat landraces of
Uzbekistan 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

БЎРОНОВ АКМАЛ ҚАЛАНДАР ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАДИМИЙ МАҲАЛЛИЙ БУҒДОЙ
НАВЛАРИНИНГ ГЛИАДИН ОҚСИЛИ ПОЛИМОРФИЗМИ ВА
ИРСИЙЛАНИШИ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/В122 рақами билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабоев Саидмурат Кимсанбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Жамолхон Ходжахонович
биология фанлари доктори, профессор

Джаббаров Иброхим Шодмонович
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги **DSc.02/30.12.2019.B.53.01** рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ куни соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+998-71)-264-23-90, факс (+998-71)-264-23-90, e-mail: igebr_anruz@mail.ru).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Тел.: (+998-71)-264-23-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги (__ рақамли реестр баённомаси)

И.Дж.Курбанбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д.

Б.Х.Аманов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий
ходим

Ш.Юнусханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда «буғдой донини ишлаб чиқариш 2019 йилда 757 млн тоннани ташкил этди, бу 2018 йилга нисбатан 4% га кўп»¹. Юмшоқ буғдой бошоқли дон экинларидан бири ва у ер юзида экиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ичида энг катта майдонни эгаллайди ҳамда инсоният истеъмол қиладиган асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Бутун дунё халқларининг яримидан кўпроғи озиқ-овқат сифатида буғдой нонидан фойдаланади. Аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бошоқли дон экинлари, жумладан юмшоқ буғдой ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш ҳамда нонбоплигини яхшилаш бўйича селекция тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда наслчилик, барқарор қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ўсимлик генетик ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Табиий селекция жараёнида яратилган маҳаллий навларни генетик асослаш устувор йўналишга эга бўлиб, стресс омилларга чидамлилиги, барқарор ҳосилдорлиги, ўзига хос генетик хилма-хиллиги ва дон сифатларига эга бўлган генотипларни ажратиб олиш, генофонднинг қимматли қисмини ва янги навларни яратишда селекция жараёнларини яхшилаш зарур.

Республикаимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига интенсив ва инновацион ишланмаларини жорий қилган ҳолда суғориладиган ерларида кузги юмшоқ буғдой майдонлари ортиб бормоқда ва ушбу тармоқ қишлоқ хўжалигининг энг асосий йўналишларидан бирига айланди. Суғориладиган майдонларга мос, юқори ҳосилли буғдой навларини яратиш ва амалиётга жорий этишда жаҳон коллекцияси намуналаридан ҳамда маҳаллий навлардан селекция жараёнида фойдаланиш ҳисобига муайян натижаларга эришилди. Жумладан Ўзбекистоннинг қадимий маҳаллий буғдой навларини йиғиш, ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «... қишлоқ хўжалик экинларининг маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган янги селекция навларини яратиш ва жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда янги буғдой навлари яратишда қадимий маҳаллий буғдой навларининг ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик омиллар таъсирига нисбатан чидамлилиги ва барқарорлигини белгилаб берувчи аллел генлар ва полиген тизимларнинг имкониятларидан фойдаланишни тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ ФАО FINMARKET.RU

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сон «Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимликларнинг генетик ресурсларини ўрганиш, сақлаш ва селекцион жараёнлардан фойдаланиш мақсадида буғдойнинг генетик хилма-хиллигини ўрганиш, қадимий буғдой навларини селекция жараёнига татбиқ этиш бўйича хорижий олимлардан А.А. Jaradat et al. (2012); А.С. Newton et al. (2010); Z.T. Zou et al. (1995); Q.R. Rodriguez et al. (1994); G. Moure et al. (2015); C.S. Park et al. (2012); Е.В. Храмова и др. (2005); П.И.Стёпочкин и др. (2012), буғдойнинг Ўрта Осиёдаги биохилма-хиллиги, маҳаллий қадимий буғдой навларини йиғиш, идентификациялаш бўйича ўзбек олимларидан И.Ш. Шоахмедов ва бошқалар, (1994); Р.А. Удачин ва бошқалар. (1994); С.К. Бабоев ва бошқалар. (2017); З. Алланазарова ва бошқалар (2015); МДХ давлатларидан Х. Муминжонов ва бошқалар (2017) ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ушбу ишларда қадимий маҳаллий буғдой навларининг тарқалиш ареаллари, қимматли хўжалик белгилари, дон таркибидаги микроэлементлари таҳлил қилинган.

Буғдой дони таркибидаги захира оксиллардан генетик маркер сифатида фойдаланиш бўйича А.А. Созинов (1985); А.Ф. Попереля и др (1987); Е.В. Метаковский и др. (2006); А.М. Кудрявцев, (2007); Р.А. McIntosh et al. (2015); А.Ю. Драгович и др. (2004); Е.Д. Казаков (2005); Е.Е. Мелникова. (2005) каби чет эл олимлари илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, юмшоқ ва қаттиқ буғдойда глиадин оксилларининг биргаликда ирсийланувчи компонентлари блоклари каталоги яратилган.

Бироқ қадимий маҳаллий буғдой навларини генотиплаш, биокимёвий маркерлар ёрдамида тўлиқ идентификациялаш, уларнинг миқдорий белгиларини ўзгарувчанлик ва ирсийланиш хусусиятлари, дон таркибидаги захира оксилларнинг электрофоретик таҳлили тўлиқ ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий тадқиқот ишлари

режасининг ФА-Ф5-027 «Ўза ва буғдойда шўрхокликка, сувсизликка ва касалликка чидамликнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш» (2012-2015), ВА-ФА-Ф-5-005 «Кузги буғдой гермплазмасида шираларга чидамли бўлган генлар ва локусларни аниқлаш» (2017-2020) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг қадимий маҳаллий юмшоқ буғдой навларининг микдорий белгилари ва глиадин оксилларининг электрофоретик спектрлари бўйича идентификация қилиш асосида янги тизмалар ажратиб олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қадимий маҳаллий буғдой навларининг тарқалиш ареалларини аниқлаш, намуналар йиғиш ва морфологик белгилари бўйича идентификациялаш;

қадимий маҳаллий буғдой навларининг каталогини тузиш, каталогга киритилган навларни глиадин оксиллари электрофоретик спектрлари бўйича таҳлил қилиш ва полиморфизмини аниқлаш;

қадимий маҳаллий буғдой навларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича баҳолаш, алтернатив белгига эга бўлган шаклларни ажратиш ва дурагайлаш;

дурагайларда глиадин оксиди спектрлари ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланишини гибридологик таҳлил қилиш;

танлаб олинган тизмаларни нав даражасига етказиш ва Давлат нав синовига топшириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида республиканинг Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг чекка худудларидан йиғилган баҳорги юмшоқ буғдойнинг қадимий маҳаллий навлари Қизил буғдой, Оқ буғдой (Грекум), Туя-тиш, Пашмак, Хивит, Бобоки, Муслимка, Қайроқтош, Қизил-шарқ ва Номсиз буғдой навлари ҳамда маҳаллий Сурхак навидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети қадимий маҳаллий юмшоқ буғдойнинг морфологик кўрсаткичлари, қимматли хўжалик белгилари ҳамда дони таркибидаги глиадин оксилларининг электрофоретик таҳлили, уларнинг полиморфизми, қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда буғдой генетикаси ва селекциясининг классик усуллари, дурагайлаш, фенологик кузатувлар, гибридологик, электрофоретик таҳлил ҳамда генетик-селекцион статистика таҳлиллнинг замонавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистоннинг чекка худудларида табиий ҳолда сақланиб қолган 31 та қадимий маҳаллий буғдой навларининг тарқалиш ареаллари, қимматли хўжалик белгилари аниқланган, морфологик белгилари бўйича идентификация қилинган ва каталогга тузилган;

қадимги маҳаллий буғдой навларидан генетик жиҳатдан нонбоплик ва тўйимлилик сифатлари юқори бўлган намуналар ажратиб олинган ва бу жиҳатнинг тижорий навларга ўтказиш мумкин эканлиги аниқланган;

қадимий маҳаллий юмшоқ буғдой навлари донидаги глиадин оксилларининг электрофоретик спектрлари бўйича полиморфизми аниқланган;

қадимий маҳаллий буғдой навларидан электрофоретик спектрлари бўйича яқка танлов асосида ҳосилдор, нонбоплиги ва тўйимлиги юқори булган Қайроқтош нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қадимий маҳаллий юмшоқ буғдой навларининг табиий ҳолда тарқалган ареаллари аниқланган, улар морфологик белгилари бўйича идентификация қилиниб, маҳаллий буғдой навлари каталоги тузилган, улардан селекция мақсадида фойдаланиш учун гомоген биотиплар ажратиб олинган;

йўқолиб кетиш арафасига келган қадимий навлар қайта тикланган, дондаги захира оксилларнинг электрофоретик спектрлари бўйича яқка танлов йўли билан гомоген ҳолдаги тизмалар ажратиб олинган. Гомоген тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари ва сифат кўрсаткичларини қиёсий таққослаш йўли асосида юқори ҳосилдорликка эга, оксилга бой “Қайроқтош” нави яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ўтказилган кўп йиллик дала тажрибаларнинг методик жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги ва апробация комиссиялари томонидан юқори баҳоланганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили, илмий-тадқиқот натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамаси, етакчи маҳаллий илмий журналларда ва импакт-фактори юқори бўлган хорижий журналларда чоп этилгани, янги лалми шароитга мослашган Қайроқтош юмшоқ буғдой нави яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг тоғолди ва тоғли ҳудудларида табиий ҳолда сақланиб қолган қадимий маҳаллий юмшоқ буғдой навларининг коллекцияси тўпланганлиги, тарқалиш ареаллари, қимматли хўжалик белгилари ҳамда глиадин оксиллари электрофоретик спектрлари бўйича полиморфизми аниқланганлиги, қимматли хўжалик белгилари ва глиадин оксилларини электрофоретик таркиби бўйича алтернатив белгига эга бўлган шакллари дурагайлаш асосида олинган F_1 - F_2 ўсимликларда қимматли хўжалик белгилари ва глиадин оксилларини электрофоретик таркиби бўйича ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги гибридологик таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қадимий маҳаллий буғдой навларидан нонбоплиги ва тўйимлиги юқори бўлган, электрофоретик спектрлари бўйича гомоген тизмаларнинг ажратиб олинганлиги ҳамда ҳосилдорлиги ва дон сифат кўрсаткичлари юқори глиадин оксиллари бўйича

гомоген таркибга эга оксилга бой лалми шароитга мослашган “Қайроқтош” юмшоқ буғдой нави яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий буғдойнинг глиадин оксиллари полиморфизми ва ирсийланиши бўйича олинган натижалар асосида:

юмшоқ буғдойнинг Қайроқтош нави Самарқанд вилояти Пайарик тумани “Истиклол” фермер хўжалиги даласида 11 гектар майдонда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 02/021-2569-сон маълумотномаси). Натижада, бу навнинг сувсизликка чидамлилиги, нонбоплик сифати юқорилиги ва ҳосилдорлиги ҳисобига республиканинг сув билан кам таъминланган худудларида ва лалми майдонларда юқори дон ҳосили олиш имкониятини берган;

қадимий маҳаллий буғдой навларининг 30 дан ортиқ намунаси ФА-Ф5-027-сонли “Ўза ва буғдойда шўрхоқликка, сувсизликка ва касалликка чидамлилигининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш” (2012-2015 й), ВА-ФА-Ф-5-005-сонли “Кузги буғдой гермплазмасида шираларга чидамли бўлган генлар ва локусларни аниқлаш” (2017-2020 й) мавзуларидаги фундаментал лойиҳаларда бошланғич ашё сифатида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 08 октябрдаги 4/1255-2173-сон маълумотномаси). Натижада, буғдойнинг биотик ва абиотик омилларга чидамлилиги бўйича янги маълумотлар олиш имконини берган;

Қайроқтош нави 2019 йилда Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги “Олтинбоев ери” фермер хўжалигида БМТнинг озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ташкилотининг Марказий Осиё ва Туркияда қуруқ ва шўрланган қишлоқ хўжалиги ерларини табиий ресурсларини комплекс бошқариш” (GCP/SEC/293/GFF) лойиҳаси доирасида 7 гектар лалми майдонга жорий этилган, (UN FAОнинг 13-11-2020 йил 276-20-сон маълумотномаси). Натижада, навнинг қурғоқчилик ва иссиқликка чидамлилиги ва унинг бошқа навларга нисбатан қимматли иқтисодий хусусиятлари жиҳатидан устунлиги ҳисобига ушбу навдан юқори сифатли уруғлик тайёрлаш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 2 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўрганилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари келтирилган, объект ва предметларига маълумот берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қадимий маҳаллий буғдой навларининг глиадин оксили полиморфизми ва ирсийланиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан республикамиз, МДХ ва хорижий давлатлар олимларининг қадимий маҳаллий буғдой навларининг тарқалиш ареаллари, қимматли хўжалик белгилари ҳамда буғдой дони таркибидаги захира оксиллардан генетик маркер сифатида фойдаланиш таҳлиллари бўйича олинган маълумотлар шарҳи келтирилган.

Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий буғдой навларини генотиплаш, биокимёвий маркерлар ёрдамида тўлиқ идентификациялаш, уларнинг миқдорий белгиларининг ўзгарувчанлик ва ирсийланиш хусусиятлари, дон таркибидаги захира оксилларнинг электрофоретик таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар олиб борилмаганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларда фойдаланилган илмий материаллари, шароитлари ва услублари, илмий ишнинг 2010-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтига қарашли Дўрмон тажриба станциясида олиб борилганлиги, тадқиқот объекти сифатида республиканинг Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг тоғли ва тоғолди ҳудудларидан йиғиб келинган қадимий маҳаллий юмшоқ буғдой нав намуналаридан фойдаланилганлиги баён қилинган.

Глиадин оксилларини дон таркибидан ажратиб олиш ва полиакриламид гель (ПААГ) электрофорез услубида фойдаланиладиган кимёвий реагентлар ва асбоб-ускуналар, дон сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва статистик таҳлил қилиш усулларининг қисқача тавсифи келтирилган. Олинган натижалар Statgraphics компьютер дастурида кластер ва ANOVA (Analysis of variance) Stat View (www.statview.com, SAS Institute Inc) ёрдамида статистик таҳлил қилинган, F_1 ўсимликларнинг доминантлик даражасини (h_p) С.Райт формуласи ёрдамида, корреляция коэффиценти (r) Б.А.Доспехов (1985) усулида, F_2 ўсимликларида миқдорий белгилари бўйича вариация коэффиценти (V) Б.А.Доспехов (1985) бўйича уларнинг ирсийланиш коэффиценти (h^2) R.W. Allard (1956) формуласи бўйича аниқланган.

Диссертациянинг «Қадимий маҳаллий буғдой навларининг тарқалиш ареаллари ва морфоҳўжалик кўрсаткичлари» деб номланган учинчи бобида тадқиқотдан олинган натижалар таҳлил қилинган.

Бобнинг биринчи бўлими «Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий буғдой навларини ўрганиш ва коллекциясини тўплаш»да Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий буғдой навларини қидириб топиш, морфоҳўжалик белгиларини ўрганиш ва уларнинг каталогини тузиш бўйича олинган натижаларнинг таҳлили келтирилган. Тадқиқотни бажариш давомида қадимий маҳаллий буғдой навларини йиғиш ва ўрганиш бўйича Ўзбекистон миқёсида бир қатор туманларга экспедициялар ташкил қилинган. Бунда махсус GPS аппаратида фойдаланилиб, намуна йиғилган жой аниқланган ва сўров учун тайёрланган махсус шакл тўлдириб борилган. Республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг чекка ҳудудларидан 31 та юмшоқ буғдойнинг қадимий маҳаллий нав намуналари йиғиб олинган, уларнинг географик жойлашуви ва фенологик кўрсаткичлари келтирилган (1-жадвал).

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Олтинсой ва Узун туманларига экспедиция уюштирилиб, қадимий буғдойнинг ноёб навлари бўлмиш, Пашмак, Хивит, Муслимка каби навлари ҳамда Қизил буғдой, Грекум ва Қайроқтош навларининг янги намуналари йиғиб келинган. Бу намуналар дала шароитида кузда экиб ўрганилганда уларнинг бошоғидаги бошоқчалар ва дон сони, бошоқ узунлиги ва бир бошоқдаги дон вазни аввал ўрганилган намуналарга яқин бўлсада, бу навларнинг бўйи Қайроқтош навидан бошқа барчасида ўртача 130 см бўлиб, 1 январдан ҳисоблаганда бошоқлаш фазасининг бошланиши ҳам кечроқ эканлиги, сариқ занг билан кучли зарарланиши кузатирилган. Сариосиё туманидан йиғилган Пашмак, Хивит ва Қизил буғдой навларининг дони майдароқ бўлиб, ўртача 40 граммни ташкил этса, бир квадрат метрдаги ўртача ҳосилдорлик 300 граммни ташкил этиши аниқланган. Олтинсой ва Узун туманидан йиғилган навларда дон нисбатан йирик, 1000 дона дон вазни ўртача 44 гр ва 1 квадрат метрдаги дон ҳосилдорлиги 400 граммдан ортиқ. Лалми майдонлар учун мослашган буғдой навлари учун бу ҳосилдорлик юқори ҳосил ҳисобланиши келтириб ўтилган.

Ўрганилган навларнинг тарқалиш ареаллари таҳлил қилинганда Сурхондарё вилоятининг денгиз сатҳидан 1500-2500 метр баландликда жойлашган чекка туманларида кўпроқ Қизил буғдой намуналари етиштирилиши ва бу буғдой нави баланд бўйли (120–140 см гача), ҳосилдорлиги оптимал шароитларда 3,5 т/га гача етиши, донлари қизғиш тусли, йирик ўлчамли, 1000 дона донининг оғирлиги 55–60 г гача бўлиши, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудларида Оқ буғдой, баъзи жойларида бу буғдой Грекум номи билан юритилганлиги, бу буғдойлар ҳақиқатдан ҳам «Грекум» ҳар хиллигига мансуб бўлиб, оқ бошоқли ва туклари ҳам оқиш рангда, донлари оқ, нисбатан йирик ўлчамли, 1000 дона донининг оғирлиги ўртача 45-48 г келиши, ўсимликнинг бўйи 95-100 см га тенглиги кўрсатилган.

Буғдойнинг қадимий маҳаллий навларини географик жойлашуви ва таснифи

Кенглиги, узунлиги; денгиз сатҳидан баландлиги, м (N-шимолий, E-Шарқий)	Нав	Экилган вақти	Тоза линиянинг % миқдори ва аралашуш даражаси	Дон ранги	Ўсимлик бўйи, см
Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Дуоба қишлоғи (2010 йилда йиғилган).					
38°32'121"N, 67°38'181"E;1391	Қизил буғдой	Март	2% гача хар хил бошоқлар аралашган	Қизил	120
38°32'480"N, 67°36'566"E; 1544	Бобоки	Март	Тоза тизма	Қизил	120
Қурганча қишлоғи					
38°37'921"N, 67°41'462"E;1633	Қизил буғдой	Март	5% гача қизил бошоқ аралашган	Қизил	120
Гумматак қишлоғи					
38°35'699"N, 67°37'737"E; 2136	Қизил буғдой	Март	Тоза тизма	Қизил	130
38°35'986"N, 67°07'070"E;2174	Сурхак	Март	5% гача арпа аралашган	Қизил	130
38°35'057"N, 67°42'538"E;2143	Калбуғдой	Март	Тоза тизма	Қизил	100
Пулхоким қишлоғи					
38°16'484"N, 67°38'905"E;1050	Бухор бобо	Октябрь	Тоза тизма	Қизил	140
38°16'496"N, 67°38'715"E;1180	Қизил бошоқ	Октябрь	5% гача хар хил бошоқлар аралашган	Оқ	120
38°16'600"N, 67°38'760"E;1190	Оқ бошоқ	Октябрь	20% гача қизил бошоқ аралашган	Қизил	100
38°16'645"N, 67°38'750"E;1090	Бойсун Тура-1	Октябрь	Тоза тизма	Оқ	110
38°16'580"N, 67°38'565"E;1100	Бойсун тура-2	Октябрь	Тоза тизма	Қизил	120
38°16'500"N, 67°38'800"E;1125	Қайроқтош	Март	15% гача қизил бошоқ аралашган	Оқ	100
Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Гулдара қишлоғи					
38°78'582"N, 66°81'014"E;1159	Оқ-буғдой	Март	Тоза тизма	Оқ	120
38°77'369"N, 66°82'451"E;1270	Грекум	Март	20% гача Сурхак нави аралашган	Оқ	120

Теракли қишлоғи					
38°75'540"N, 66°81'783"E;1634	Номсиз	Март	20 % гача аралашган	Қизил	100
38°75'934"N, 66°82'558"E;1500	Қорақилтиқ	Ноябрь	Тоза тизма	Қизил	120
Қамаши тумани, Қуға қишлоғи					
38°66'376"N, 66°92'626"E;2249	Оқ буғдой	Март	Тоза тизма	Оқ	120
38°63'243"E, 66°94'461"E;1988	Қизил Шарқ	Март	Тоза тизма	Қизил	90
38°64'701"N, 66°93'114"E; 1731	Қизил буғдой	Март	Тоза тизма	Қизил	120
Қизилтом қишлоғи					
38°61'663"N, 66°93'731"E;1753	Туятиш	Март	15% гача қизил бошоқ аралашган	Қизил	120
38°66'376"N, 66°92'626"E;2249	Номсиз	Март	20 % гача қизил бошоқ аралашган	Қизил	100
38°65'243"N, 66°90'205"E;2147	Муслимка	Март	20 % гача аралашган	Қизил	100
38°59'266"N, 66°91'480"E;1317	Сурхак	Март	Тоза тизма	Қизил	130
Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Музбулоқ қишлоғи					
39°71'376"N, 68°12'882"E;1520	Грекум	Октябрь	Тоза тизма	Оқ	115
Ғаллаорол тумани. Ёнбош қишлоғи					
39°70'017"N, 68°19'329"E;1763	Сурхак	Март	10% гача арпа аралашган	Қизил	120
Сурхондарё вилояти. Олтинсой тумани, (2013 йилда йиғилган)					
38°33'086"N, 67°65'667"E;1301	Қизил буғдой	Октябрь	Тоза тизма	Қизил	105
38°34'088"N, 67°65'678"E;1361	Қизил шарқ	Март	20 % гача аралашган	Қизил	110
Узун тумани					
38°61'500"N, 67°58'411"E; 2008	Пашмак	Октябрь	Тоза тизма	Оқ	90
38°60'202"N, 67°56'589"E; 1650	Хивит	Август	Тоза тизма	Оқ	90
38°57'685"N, 67°58'622"E;1558	Қизил буғдой	Март	Тоза линия	Қизил	110
38°61'500"N, 67°58'521"E; 1710	Сурхак	Октябрь	15% гача қизил бошоқ аралашган	Қизил буғдой	110

Бу икки гуруҳга кирмайдиган Бобоки, Туятиш ва бошқа навларга тавсиф бериб ўтилган.

Бобнинг иккинчи бўлими «Қадимий маҳаллий нав намуналарида миқдорий белгиларни кластер таҳлил қилиш» бўлиб, бунда бошланғич маълумотлар сифатида ўрганилаётган 31 навнинг миқдорий белгилари бир хил шароитда ва уч қайтариқда экилиб, ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги, бошоқчалар сони, бир бошоқдаги дон сони, бир бошоқдаги дон оғирлиги кўрсаткичлари лаборатория ва дала шароитида аниқланиб статистик таҳлил қилинган.

Кластерли таҳлил бу кўп ўлчамли таҳлил бўлиб, у объектларнинг ўзаро ўхшаш бўлган хусусиятларни аниқлайди ва ушбу хусусиятлар бўйича бир хил гуруҳларга ажратади. Кластер таҳлили – бу таҳлил учун эталон ёки назорат вариант йўқ бўлган ҳолатда маълумотларни тавсифлашнинг бир тури ҳисобланади. У намуналарни белгиларнинг ўхшашлик даражасига қараб гуруҳларга бирлаштиришдан иборат.

Навларни кластерларга ажратишда Statgraphics компьютер дастурида генетик яқинликнинг ўлчови сифатида Euclidean масофасидан, бирлаштириш усули сифатида эса Ward усулидан фойдаланган. Навлар бирлаштирилган кластерларнинг энг кам сони 4, энг кўп сони 7 тага тенг бўлган. Ушбу гуруҳларга ажралишлар таҳлил қилинганида навларнинг қимматли хўжалик белгилари бўйича яқинлигини аниқлаш учун 5 кластерли таҳлил энг мўътадил эканлигини аниқланган. Натижада белгилар мажмуи бўйича фарқ қилувчи ва ўз хусусиятларини авлодларда сақловчи бешта гуруҳ -кластерлари ажратиб олинган (1-расм).


Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан экиб келинган ва ҳозиргача кичик дехқон хўжаликларида сақланиб қолган ҳамда Республиканинг лалми майдонларига экилиб келаётган буғдой навлари морфологик белгилари, донининг ранги бир хил бўлишига қарамай бир-биридан фарқ қилиши ёки морфологик белгилари бўйича бир-биридан кескин фарқ қилсада ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий белгилари кўрсаткичлари бўйича бир-бирига яқин эканлиги аниқланди.

Бунда биринчи кластерга кирган Қизил буғдойнинг тўртта намунаси каталогга 4 хил намуна сифатида киритилган бўлсада, қимматли хўжалик белгилари бўйича улар бир-бирига яқин навлар эканлиги аниқланди. Оқ буғдой номи билан 2 та намуна ва Греккум номи билан 2 та намуна ҳам шу кластерга кирган бўлиб, бу навларнинг барчасини дони ва бошоғи оқ рангда, узун бўйли ва ётиб қолишга мойил бўлган навлар бўлишига қарамай кластер таҳлили бу навлар ҳам қимматли хўжалик белгилари бўйича юқори кўрсаткичли навлар қаторида эканлиги ва бу навларни селекция жараёнида фойдаланиш мумкин эканлиги аниқланган.

Бобнинг учинчи бўлими «Қадимий маҳаллий нав намуналарида қимматли хўжалик белгиларида корреляцион боғлиқлик»да ҳосилдорликни таъминловчи белгиларнинг ўзаро корреляциявий боғланиши ва аҳамиятли фарқланиш даражаси статистик таҳлил қилинган.

Таҳлилларга кўра, бошоқ узунлиги ўсимлик бўйи, бошоқдаги дон оғирлиги ва 1000 та дон вазни билан кучсиз ижобий боғлиқликка (мос равишда $r=0,21$; $r=0,20$; $0,18$;) эга бўлиб, бошоқдаги дон сони ва бошоқдаги дон вазни билан ўртача ижобий ($r=0,57$; $r=0,62$;) , бошоқчалар сони билан кучли ижобий ($r=0,83$;) боғланишга эга эканлиги кузатилди. Ўрганилган қадимий буғдой навлари асосий хўжалик белгилари бўлган ўсимлик бўйи ва 1000 дон дон вазни барча бошқа миқдорий белгилар билан кучсиз коррелятив боғлиқликка эга, кучли ижобий корреляция бошоқ узунлиги билан бошоқчалар сони, бошоқдаги дон сони ва вазни ўртасида бор эканлиги аниқланди.

Dendrogram




1-расм. Қадимий маҳаллий нав намуналарни хўжалик белгилари бўйича кластер гуруҳларга ажралиш диаграммаси

1-Қизил буғдой (Кўға)	11- Номсиз (Қизилтепа)	21-Қайроқтош	31- Хивит
2-Қизил буғдой (Қурғанча)	12- Сурхак(Гумматак)	22-Оқ бошоқ	
3- Қизил буғдой (Гумматак)	13-Греккум (Данғара)	23-Қизил бошоқ	
4-Бухор бобо	14- Калбуғдой (Қизилтом)	24-Бойсун Тура-2	
5- Қизил буғдой (Дуоба)	15- Қизил Шарқ(Кўға)	25- Муслимка	
6-Номсиз(Қизилтом)	16- Қора қилтиқ	26- Кизил буғдой (Олтинсой)	
7-Оқ буғдой(Кўға)	17-Греккум(Терали)	27- Қизил Шарқ (Олтинсой)	
8-Оқ буғдой(Кукбулок)	18- Бобоки(Сурх,Бойс)	28- Сурхак (Узун)	
9-Туятиш (Қизилтом)	19- Сурхак(Қизилтом)	29- Қизил буғдой (Узун)	
10- Сурхак (Дуоба)	20- Бойсун Тура-1	30- Пашмак (Узун)	

Диссертациянинг «Қадимий маҳаллий буғдой навларида глиадин оксилларининг полиморфизми ва ирсийланиши» деб номланган тўртинчи бобида глиадин оксилларини полиморфизми, F_1 - F_2 ўсимликларида қимматли хўжалик белгилари ва глиадин оксилларини ўзгарувчанлиги ва ирсийланиши таҳлил қилинган.

Морфологик белгилари бўйича таҳлил қилиниб, алоҳида нав намунаси сифатида ажратилиб олинган 31 та навнинг электрофоретик спектрлари назорат сифатида олинган Безостая-1 навининг электрофоретик спектрига солиштирма ҳолда таҳлил қилинганда бир-биридан фарқ қилувчи 27 хил спектр намоён бўлди. Бунда ўрганилган нав намуналарнинг ҳар биридан 100 тадан дони таҳлил қилинганда 25 та навда электрофоретик спектрлари бир хил эканлиги кузатилиб, улар глиадин оксиллари спектри бўйича гомоген эканлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий юмшоқ буғдой нав намуналарида глиадин оксили полиморфизми

1.Безостая-1 (маркер)	7.Номсиз	13.Оқ бошок	23-24-25.Бобоки
2.Қизил буғдой	8.Сурхак(Удамали)	14.Пашмак	26-27-28.Калбуғдой
3. Қизил буғдой	9.Сурхак(Узун)	15-16.Сурхак(Бахмал)	
4.Оқ буғдой	10. Бухор бобо	17-18.Бойсун-Т-2	
5.Грекум	11.Бойсун-Т-1	19-20.Туятиш	
6.Номсиз	12.Қайроқтош	21-22.Хивит	

Микдорий белгилари ва глиадин оксили бўйича альтернатив белгига эга бўлган намуналар ажратилди ва дурагай ўсимликлар олинди ҳамда уларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлил қилинган. Ўрганилган F_1 дурагай комбинацияларидан Сурхак х Қизил Шарқ ($h_r=0,2$) ва Оқ бошок х Муслимка ($h_r=0,8$) дурагайларида бошок узунлиги белгининг ирсийланиши ижобий тўлиқсиз доминант ҳолатида ирсийланган бўлса, Туятиш х Хивит ($h_r=3,0$) ва Қизил буғдой х Пашмак ($h_r=2,5$) дурагайларида юқори кўрсаткичли навнинг тўлиқ доминантлик ҳолатида ирсийланганлиги аниқланди. Бошокчалар сони белгисининг доминантлик даражаси бўйича дурагай комбинацияларида ота-она шаклларига боғлиқ ҳолда турли даражадаги ($h_r=1,6$ $h_r=2,3$, $h_r=9,0$) доминантлик ёки ижобий гетерозисли ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди.

Оқ бошоқ х Муслимка дурагайларида бу белги бўйича ($h_p=0,0$) доминантлик ҳолати кузатилмади. Бир бошоқдаги дон сони белгисининг ирсийланиши ўрганилган комбинациялари F_1 авлодининг Сурхак х Қизил Шарқ ($h_p=3,7$) ва Туятиш х Хивит ($h_p=4,5$) намуналарида юқори кўрсаткичли навнинг доминантлиги, Оқ бошоқ х Муслимка ($h_p=-0,2$) намуналарида бу белги бўйича салбий тўлиқсиз ҳолида ирсийланиб, паст кўрсаткичга эга бўлган она цитоплазмасининг ўрни мавжуд эканлиги кузатилди.

Бир бошоқдаги дон вазни белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич Туятиш х Хивит (2.5 ± 0.48) ва Оқ бошоқ х Муслимка (2.6 ± 0.65) навларининг комбинацияларида, нисбатан паст кўрсаткич Қизил буғдой х Пашмак (1.8 ± 0.22) навларида қайт этилди.

Белгининг доминантлик даражаси таҳлил қилинганда, бир бошоқдаги дон вазни белгиси ўрганилган дурагайларда Сурхак х Қизил Шарқ ($h_p=3,0$) ва Туятиш х Хивит ($h_p=5,0$) намуналарида ўта доминантлик ҳолатида ирсийланиб, Оқ бошоқ х Муслимка ($h_p=0$) намунасида доминантлик кузатилмади. Қизил буғдой х Пашмак ($h_p=-3,0$) намунасида бир бошоқдаги дон вазни белгиси салбий тўлиқсиз доминант ҳолида ирсийланди.

F_2 авлод дурагайларида юқоридаги белгиларнинг ўзгарувчанлик кўлами таҳлил қилинганда салбий ва ижобий трансгрессия ҳолатлари намоён бўлди.

Салбий трансгрессия ҳолати ота-она шаклларга нисбатан бир бошоқда дон сони кам бўлган ўсимликларнинг ажралиб чиқиши Оқ бошоқ х Муслимка ва Қизил буғдой х Пашмак дурагайларида 1 синф томон силжиши билан намоён бўлди, бу дурагайларда 30,0-36,9 дона оралик синфида дон ҳосил қилган ўсимликлар 48,0-36,0% ни ташкил қилди.

F_2 ўсимликларида бошоқдаги дон сони белгисининг ўзгарувчанлик кўламининг ортиши ва дон сони кўпроқ бўлган генотипларнинг ажралиб чиқиши, ота-она навларига нисбатан ўнг томонлама 4-5 синфга томон силжиши билан намоён бўлди.

Бир бошоқдаги дон сони белгининг наслдан-наслга берилиши даражаси 0,96-0,98 ораликда бўлиши белгининг F_2 ўсимликларига берилиши юқори эканлигини кузатилди. F_2 ўсимликларида юқори кўрсаткичли генотипларнинг ажралиши кузатилди.

F_2 ўсимликларида ўзгарувчанлик кўламининг паст бўлиши ота-она шакллардан паст бўлган ўсимликларнинг ажралиб чиқиши билан боғлиқдир. Ўрганилган барча дурагайларда бир бошоқдаги дон вазни белгиси чап томонлама трансгрессия ҳолати кузатилди. Салбий трансгрессия дурагайларда 2-3 синф чап томонга силжиши билан намоён бўлди, Сурхак х Қизил Шарқ дурагайларида 28,0% ни 1,2-1,3 граммли ўсимликлар, Туятиш х Хивит, Оқ бошоқ х Муслимка ва Қизил буғдой х Пашмак дурагайларида 1,4-1,5 граммли ўсимликлар мос равишда 38,0-36,0-41,0% ни ташкил қилди.


Тажрибаларимизда Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий юмшоқ буғдой намуналарини ота-она шакллар ва уларнинг F_1 - F_2 дурагайларида глиадин оксилларини электрофоретик таркибини ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлил қилинди.

Ота-она сифатида танлаб олинган навлар энг аввало глиадин оксилларини электрофоретик таркиби бўйича камида 2 та зонада фарқ қиладиган навлар ажратиб олинди ва чапиштирилди. Ота-она шакллар глиадин оксилларини электрофоретик спектр формуласи бўйича энг кўп компонентлар сони Хивит (16) ва Қизил Шарқ (16) навларида кузатилган бўлса, энг кам компонентлар сони Қизил буғдой (13) навида учради. Ўрганилган барча дурагай комбинацияларнинг F_1 ўсимликларида глиадин оксиллари компонентлари гетерозигота ҳолида ирсийланганлиги аниқланди.

Сурхак нави электрофоретик спектр формуласи бўйича 14 та компонентдан ташкил топган бўлиб, Қизил Шарқ навидан γ ва ω зоналарда γ_2 ва ω_5 компонентини учрамаслиги билин фарқ қилиши кузатилди (4.8-расм).

F_1 ўсимликларида электрофоретик спектр формуласи бўйича 17 та компонентни ташкил қилиб, глиадин оксилларининг электрофоретик формуласи қўйидаги кўринишга эга бўлди $\alpha_4\beta_5\gamma_6$, $\beta_2\gamma_3\alpha_4$, $\gamma_2\beta_3\alpha_4$, $\omega_2\beta_3\gamma_4$.


Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий буғдой навларидан олинган F_2 дурагайларининг глиадин оксилларини ирсийланишини ва ўзгарувчанлиги электрофоретик формуласи таҳлил қилинганда, Қизил буғдой-Пашмак, Туятиш-Хивит ва Оқ бошоқ-Муслимка, Сурхак-Қизил Шарқ дурагайларида ота-она ўсимликларнинг электрофоретик таркиби бўйича 1:2:1 нисбатда электрофоретик таркибга эга ўсимликлар ажралиши кузатилди.



3-расм. Сурхак (1) ва Қизил Шарқ (4) навлари F_1 дурагайларининг (2,3) электрофоретик спектри.

F_2 Туятиш x Хивит дурагайлари ҳам глиадин оксиллари электрофоретик таркиби бўйича 1:2:1 нисбатда ажралиш кузатилди, бунда 34 та ўсимлик донини электрофоретик таркиби она ўсимлик Туятиш нави билан бир хил таркибга, 51 та ўсимлик дони кодоминант электрофоретик таркибга ва 23 та ўсимлик дони таркиби ота ўсимлик Хивит навига ўхшаш эканлиги кузатилди ($X^2=3,25$ $P > 0.05$) (4.11-расмга қаранг).

Диссертациянинг «Қадимий маҳаллий буғдой навларини глиадин оксиллари бўйича навдорлигини аниқлаш ва қимматли рекомбинантлар ажратиш олиш асосида селекцион бошланғич манба яратиш» деб номланган бешинчи бобда Ўзбекистоннинг қадимий маҳаллий нав намуналарини захира оксилларини электрофоретик таркиби бўйича тоза тизмалари ажратиш олиб уларнинг ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда улар асосида танлаб олинган Қайроқтош буғдой навини қимматли хўжалик белгилари таҳлил қилинган.



4-расм. Туятиш (1) ва Хивит (2) навлари дурагайлариининг F₂ (3-20) ўсимликлари дони электрофретик спектри

Қайроқтош нави қадимий маҳаллий буғдой навидан яқка танлаш усули билан республикамизнинг лалми муҳит шароитларига мослаб яратилган юмшоқ буғдой нави. Бўйи-80-85 см, бошоғи қилтанокли, дони оқ рангда, клейковинаси -35.6 %, ИДК-74.6, вегетация даври 213-217 кун, экиш нормаси 100-150 кг/г, экиш муддати кузда 15-20 октябрь, баҳорда 5-10 март.

ХУЛОСАЛАР

“Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий нав намуналарнинг глиадин оксили полиморфизми ва ирсийланиши” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистонда қадимий экилиб келинган маҳаллий буғдой навларининг тарқалиш ареаллари аниқланди, намуналар йиғилиб, морфоҳўжалик белгилари бўйича идентификация қилинди ва каталог тузилди.

2. Миқдорий белгилари бўйича кластер таҳлилида маҳаллий буғдой навлари бешта кластерга бирлаштирилди ва дендрограмма тузилди. Дендрограммага асосан қадимий маҳаллий буғдой навлари морфологик белгилари, донининг ранги бир хил бўлишига қарамай бир-биридан фарк қилиши ёки морфологик белгилари бўйича бир-биридан кескин фарк

қилсада, ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий белгилар кўрсаткичлари бўйича бир-бирига яқин эканлиги аниқланди.

3. Қадимий буғдой навлардан асосий хўжалик белгилари бўлган ўсимлик бўйи ва 1000 дон дон вазни барча бошқа миқдорий белгилар билан кучсиз коррелятив боғлиқликка эга, кучли ижобий корреляция бошоқ узунлиги билан бошоқчалар сони, бошоқдаги дон сони ва вазни ўртасида бор эканлиги аниқланди.

4. Ўрганилган намуналардан Қизил буғдой намуналари барча миқдорий белгилари ва ҳосилдорлиги билан бошқа намуналарга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга эканлиги, лалми шароитида кенг майдонларга экилаётган Сурхак нави эса навдорлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари пасайиб бораётгани аниқланди.

5. Қадимий маҳаллий буғдой намуналари глиадин захира оқсиллари бўйича идентификация қилинганда каталогга киритилган 31 та нав намунасида 25 таси гомоген ҳолда эканлиги ва 6 та намуна электрофоретик спектрлари бўйича гетероген эканлиги аниқланди.

6. Глиадин оқсилларининг электрофоретик спектри бўйича Жиззах вилояти Бахмал туманидан олинган Сурхак нави ва Сурхондарё вилоятидан олинган Бойсун Тура-2, “Туятиш”, “Хивит” навлари иккитадан, “Бобоки” ва “Калбуғдой” навлари эса учтадан биотипа эга бўлиб, бу белги бўйича полиморф навлар эканлиги аниқланди.

7. Бир хил ном билан аталган Қизил буғдойнинг 6 та намунасида 4 таси, Оқ буғдойнинг 4 та намунасида 3 таси бир хил спектрга эга эканлиги, Сурхак навининг 3 та намунаси ҳар хил спектрга эга эканлиги аниқланди.

8. Гомоген тизмаларнинг миқдорий белгиларининг кўрсаткичи бўйича ҳамда клейковина миқдори ва ИДК кўрсаткичлари асосида танлаш йўли билан юмшоқ буғдойнинг сувсизликка чидамли, лалми шароитга мослашган Қайроқтош нави яратилди ва амалиётга татбиқ этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ
ИНСТИТУТ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ
БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

БЎРОНОВ АКМАЛ ҚАЛАНДАР ЎҒЛИ

**ПОЛИМОРФИЗМ И НАСЛЕДОВАНИЕ ГЛИАДИНОВЫХ
БЕЛКОВ У СТАРОДАВНИХ МЕСТНЫХ СОРТОВ ПШЕНИЦЫ
УЗБЕКИСТАНА**

03.00.09 – Общая генетика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/B122

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Институте генетики и экспериментальной биологии растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель

Бабоев Саидмурат Кимсанбаевич
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты

Ахмедов Жамолхон Ходжахонович
доктор биологических наук, профессор

Джаббаров Иброхим Шодмонович
доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация

Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, пос. Юкори-юз. Зал заседаний Института генетики и экспериментальной биологии растений Тел. (+998-71)-264-23-90, факс (+998-71)-264-23-90, e-mail: igebr_anruz@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрирован за номером _____) (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, пос. Юкори-юз. тел.: (+998-71)-264-23-90).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2021 года)

И.Дж.Курбанбаев

Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, д.б.н.

Б.Х.Аманов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.б.н.,
старший научный сотрудник

Ш.Юнусханов

Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «Мировое производство пшеничного зерна в 2019 составило 757 млн тонн, что выше производства 2018 года на 4 %¹». Мягкая пшеница является одним из наиболее широко выращиваемых злаков, занимает самый большой площадь среди сельскохозяйственных культур в мире и является одним из основных продуктов питания, потребляемых человечеством. Более половины народов мира употребляют в пищу пшеничный хлеб. В целях обеспечения продовольственной безопасности населения важно проводить селекционные исследования для повышения урожайности и качества зерновых, в том числе мягкой пшеницы, а также для улучшения качества хлеба.

В мире широко проводится научное исследование по проблемам сохранения и рационального использования генетических ресурсов растений, служащих основой для развития селекции, устойчивого ведения сельского хозяйства и обеспечения продовольственной безопасности. У местных сортов, которые возникли на основе сочетания естественного отбора и селекции на продуктивность, характеризуются толерантностью к местным стресс-факторам, стабильной урожайностью и некоторым другим качествам зерна по сравнению с существующими коммерческими сортами, поэтому представляют собой ценную часть генофонда и должны вовлекаться в селекцию при выведении новых коммерческих сортов.

С обретением независимости нашей республики возросли площади озимой мягкой пшеницы в орошаемых условиях и данная отрасль превратилась в одну из основных отраслей сельского хозяйства. Достигнуты определенные результаты при создании адаптированных к орошаемым условиям, высокоурожайных сортов и в их внедрении в производство путём использования образцов мировой коллекции и местных сортов в селекционном процессе. В том числе, проводится ряд научных исследований по сбору, изучению и внедрению в практику стародавних местных сортов Узбекистана. В Стратегии развития Республики Узбекистан² установлены задачи по “созданию и внедрению новых сортов сельскохозяйственных культур адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям”. Исходя из этих задач, создание новых сортов пшеницы с использованием потенциальных способностей аллельных генов и полигенных систем стародавних местных сортов пшеницы, определяющих стабильность и устойчивость к влиянию биотических и абиотических факторов окружающей среды приобретает важную научно-практическую значимость.

¹ ФАО FINMARKET.RU

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП РУз №5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» от 17 июня 2019 года, Постановлении КМ РУз №959 «О дополнительных мерах по дальнейшему стимулированию выращивания зерновых, колосовых культур» от 27 ноября 2018 года,.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики: Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

